

ЖАМИАТ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

8 март, чоршанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 47 (1049)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 7 март кuni
Индонезия Республикасининг мамлакатимиздаги Фаху-
ллодда ва Мухтор элчиси Хасан Абдужаллилни унинг илти-
мосига кўра қабул қилди.

Ислам Каримов мамла-
катимиз билан Индонезия ўр-
тасидаги алоқалар ривожлан-
иб бораётганидан мамну-
нийат изҳор этди. 1992 йил
Индонезияга расмий ташри-
ф чоғида имзоланган ҳуж-
жатлар ўзаро алоқаларни
кенгайтириш учун асос бў-
либ хизмат қилаётганини,
мамлакатларимиз ўртасида-

ларига мос бўлиб тушиши-
ни таъкидлади.
Сўхбат чоғида, шунинг-
дек, Ўзбекистон билан Ин-
донезия ўртасидаги иқтисод-
ий, сиёсий, маданий ҳам-
корлик истиқболлари билан
боғлиқ масалалар муҳокама
қилинди.
Қабул маросимида Ўзе-
бекистон Республикаси таш-
қи ишлар вазири А. Коми-
лов иштирок этди.
(ЎзА).
СУРАТДА: қабул пайти.
Р. НУРИДДИНОВ
тасвири.

ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарам онахонлар!
Азиз опа-сингиллар!
Сизларни гўзаллик ва лато-
фат, меҳр-муҳаббат ва эзгу-
лик айёми — 8 март билан чин
юракдан табриклайман.
Халқаро аёллар кuni сифа-
тида нишонланганидан бу анъа-
навий байрам бизнинг ёш, мус-
тақил мамлакатимизда мут-
лақо янгича мазмун касб эт-
моқда. Қадриятларимиз, анъа-
наларимиз тикланаётган, жа-
миятимиз маънавий жиҳатдан
покланаётган, шарқона одоб ва
луф қайтадан қарор топаёт-
ган бир шароитда аёлларни
эъзозлаш, оила ва жамиятдаги
нуфузини кўтариш, уларнинг
меҳнатини, гўлдай нозик кўн-
глини ва юксак шаънини асра-
вайлаш ҳаётимизда алоҳида
ўрин топмоқда.
Бизга ҳаёт инъом этган, оқ
сут берган, оқ ювиб оқ тараган
она олдида барчамиз умрбод қар-
рдормиз. Бу улуг зот олдида
ҳар доим таъзим бажо айлаш
— ҳар бир инсоннинг муқаддас
бурчи.
Аёллар меҳри ва чексиз меҳ-
нати билан ҳар қайси оиланинг

бахту саодати, бутун жамият
ва давлатнинг ободлиги, барқар-
орлиги, тинчлиги таъмин эти-
лади ва мустақамланади.
Мамлакатимиз аҳолисининг
салкам ярмини болалар ва ўс-
мирлар ташкил этар экан,
айтиш мумкинки, Ўзбекистон
давлатининг буюк келажаги сиз-
нинг бағрингизда, меҳру муҳаб-
батингиз шўъласида камолатга
етмоқда.
Меҳрибон оналар, опа-сингил-
лар!
Ҳар қайси хонадон ва ҳар бир
оиллага муносиб шароит яратиб
бериш, сизларнинг ва фарзанд-
ларингизнинг тинч-тотув ҳаёт-
ини, юртимиз барқарорлигини
ҳимоя этиш вазифаси ҳар доим
давлатимиз сиёсатининг мар-
казида бўлади, деб сиз азизлар-
ни ишонтиришга руҳсат бер-
гайсизлар.
Сизларни яна бир бор қутлуғ
айём билан муборакбод этаман,
барчангизга тансиҳатлик, бах-
ту саодат тилайман.
Умрингиз узун, иқболингиз ба-
ланд бўлсин!
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ислам КАРИМОВ.

БАҲОР ВА НАФОСАТ АЙЁМИ

Ҳозирги янгилинишлар, ислохотлар даврида аёл-
нинг жамиятдаги ўрни беқисс. Қайсики йўналишда
янгилик, ютуқ бор экан, унда аёлларнинг ҳам хизмати
салмоқдир. Қадим Шарқда меҳрибон она, мушфиқ
сингил, вафодор ёр ҳисобланган аёл, бугун, айни
пайтда — тадбиркор, ўқитувчи, чорвадор, олимпиа-
шифокор... Хуллас, ҳаётнинг аччиқ-чучуғини биз билан
бирга баҳам кўраётган елкашох ҳамдир.
Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг
республика давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-
қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғри-
сидаги кuni кеча эълон қилинган фармони республи-
ка раҳбарияти ва жамоатчилигининг истиқлол ялови-
ни баланд қўтариб, нурли истиқбол сари дадил одим-
лаётган Ўзбекистонимиз хотин-қизларига билдирган
юксак ишончи ва иззат-ҳурмати ғайбисидир.
7 март кuni муҳташам «Туркистон» саройида меҳ-
рибон ва мунис аёлларимизнинг қутлуғ шодибанаси —
халқаро хотин-қизлар кuniга бағишланган тантанали
йиғилишида ана шу ҳақда гап борди.
Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаган-
ов очди.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Кар-
имовнинг мамлакат хотин-қизларига табригини рес-
публика Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор
Саидқосимов ўқиб эшиттирди. Президент Фармонига
кўра самарали меҳнати, ижтимоий ҳаётдаги фаол иш-
тироки учун унвон ва ёриқлар билан тақдирланган
бир гуруҳ аёлларга ана шу юксак мукофотларни топ-
ширди.
Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — рес-
публика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Гуло-
мова мамлакат хотин-қизларининг ватанимизнинг иж-
тимоий-иқтисодий ва маданий равнақи йўлидаги фао-
лияти ҳақида маъруза қилди.
Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Эр-
кин Воҳидов ва бошқалар мунис раъси Дилбар аёлларни
баҳор ва нафосат байрами билан муборакбод этдилар.
Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Тошкент
давлат иқтисодий университетини кафедра профессор
Хатима Шайхова мамлакат хотин-қизларига кўр-
сатилаётган катта ғамхўрлик учун миннатдорлик бил-
дирди.
Йиғилишда республика Бош вазири Абдулҳошим
Муталов, республика Олий Мажлиси Раисининг ўрин-
босари Бўритош Шодиева қатнашди.
Йиғилиш байрам қатнашчиларига бағишланган кат-
та концерт билан аяқланди.
(ЎзА).

СЕССИЯ ҚАРОРЛАРИ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Андижонда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Ун-
да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи
сессияси якунилари муҳокама этилди. Президент Ислам
Каримовнинг сессияда сўзлаган маърузасида баён этилган
вазифалар, шунингдек, Президент ваколатлари муддатини
1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш бўйича умумхалқ
Референдуми ўтказиш ҳақидаги сессия қарорини бажариш
юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ҳа-
қида вилоят ҳокими Қ. Обидов гапирди.
Маърузачи ва сўзга чиққанлар вилоят меҳнаткашлари
Ўзбекистон Олий Мажлиси қарорларини кўтаринки руҳ
билан қарши олганини, меҳнат жамоаларида, иждоий таш-
килотларда, илм даргоҳларида ўтаётган йиғилиш ва митин-
гларда бу яққол намоён бўлаётганини таъкидлади.
Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Раиси Эркин Халилов нутқ сўзлади.
Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Давлат маслаҳатчилари Б. Гуломов, М. Мирқосимов, Бош
вазир ўринбосари В. Чжен қатнашди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФАОЛЛАРИНИНГ ЙИГИЛИШИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йи-
гилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
биринчи сессияси якунилари ва мамлакат Президенти Ислам
Каримовнинг Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ис-
тиқболнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги маърузасидан
келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Қорақалпоғис-
тон Республикаси Жўрғи Кеңгеси Раиси Уббинёз Аширбе-
ков шу ҳақда маъруза қилди.
Йиғилиш иштирокчилари Қорақалпоғистон Республикасида
иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, халқ ҳўжали-
гининг барча тармоқларини кескин ривожлантириш, маънавий
ва маърифат ишларини жонлантириш, меҳнаткашларни ижти-
моий жиҳатдан ҳимоя қилишни бугунги кун талаблари даража-
сига кўтариш юзасидан фикр-мулоҳазаларни билдирди. Ўзе-
бекистон парламентининг мамлакат Президенти ваколатини 1997
йилдан 2000 йилгача узайтириш бўйича умумхалқ Референ-
думини ўтказиш тўғрисидаги қарори Оролбўйи республикаси хал-
қи томонидан қизгин маъқуланмоқда. Туман марказларида,
шаҳар ва қишлоқларда ўтаётган митинг ва йиғилишлар бундан
далолат бериб турибди.
Йиғилишда Референдумни уюшқоқлик билан ўтказиш юза-
сидан тадбирлар белгиланди.
Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўра-
беков фаоллар ҳузурига нутқ сўзлади.
Фаоллар йиғилишида республика Президентининг Давлат
маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Олий Мажлиси Раисини-
нڭ ўринбосари Б. Бугров қатнашди.
(ЎзА).

«НАФОСАТ» БИР ЁШДА

Қашқадарь вилоят хотин-қизлар кўмитаси-
нинг шаъри — «Нафосат» газетаси чиқа бошла-
ганига бир йил тўлди.
Шу муносабат билан Қашқадарь вилоят ҳокимлиги-
да бўлган тадбирда ижодкорлар, газетхонлар, хомийлар
сўзга чиқиб, «Нафосат» вилоят маърифий-маданий
ҳаётида ўз ўрнини топанлигини таъкидладилар. Таҳ-
ририят ходимлари, жамоатчи муҳбирларга совғалар
топширилди.

ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

ГУЛИСТОН. Сирдарё вилоят фаол-
ларининг бу ерда ўтган йиғилишида
шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят таш-
килотлари ва бошқармалари бошлиқ-
лари, аҳолининг ўз-ўзини бошқариш
йиғинлари раислари, давлат, жамоа ва
ширкат ҳўжалари раҳбарлари, жамо-
ат ташкилотларининг вакиллари иш-
тирок этди.
Йиғилишда Ўзбекистон Республика-
си Олий Мажлисининг биринчи сес-
сияси якунилари, унда республика Пре-

зиденти Ислам Каримовнинг Ўзбекис-
тоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисод-
ий истиқболнинг асосий тамойилла-
ри тўғрисидаги маърузасида ўртага
қўйилган вазифалар муҳокама қилинди.
Шунингдек, 1995 йил 26 мартда Прези-
дент ваколатлари муддатини узайтириш
масаласида Ўзбекистон Республикаси
Референдумини ўтказиш билан боғлиқ
тадбирлар белгиланди. Вилоят ҳокими
Ғ. Хасанов ана шу ҳақда маъруза қилди.
Сўзга чиққанлар сессия қарорлари

ЭНГ МУСТАҚҚАМ ҚАЛҚОН — ҚОНУНДОР

Маъшур тележурна-
лист Владислав Листьев-
нинг ўлдирлигини Рос-
сиядаги янги эмас, бугун
Хамдустлик мамлакатла-
ридаги миллионлаб ки-
шиларнинг қалбини лар-
зага келтирди. Биз ис-
теъдодли ҳамкасбимиз
халқ булгани муносаба-
ти билан қайғурмоқда-
миз, марҳумнинг оила
аъзолари ва яқинларига
чуқур таъзия билдирамиз.
Россия Федерацияси
Президенти Борис
Ельцин «Останкино» те-
лекомпанияси жамоаси
ҳузурига сўзлар экан, тар-
тиб ўрнатилган иждоий
милол тарихида Ўзе-
бекистонни тилга олди. У
айнан мана бундай деди:
«...У ерда ички ишлар ор-
ганлари томонидан... ол-
тига жиноятчилар тўласи
отиб ташланди...»
Таасуфки, бу гапни
турлича таълқин қилиш
мумкин. Боре Николае-
вичнинг уша, мотам
пайтидаги ҳолатини ях-
ши англаган ҳолда, биз
барибир Ўзбекистоннинг
хукуқ-тартибот орғанла-
ри фаолиятида ҳеч қан-
дай фахшулоҳда чоралар
қилиш таърибаси бўлма-
ганини таъкидлашни ло-
зим топдик. Россия Пре-
зиденти назарда тутилган
мафия гуруҳларига кел-
сак, бу туғаларнинг бир
неча аъзоси, суд уларни-
нڭ айбини тўла исботла-
ганидан кейин, олий жа-
зога ҳўкм этилган.
Ўзбекистондаги бар-
қарор вазият ва фуқаро-
ларнинг хавфсизлиги
кучли ҳокимият томони-
дан таъмин этилмоқда.
Уларнинг ҳаёти ва ман-
фатлари ҳимоясида эса
қонуун турибди.
Ўзбекистон Президенти
Матбуот шўбаси.

НАВРЎЗГА ҲОЗИРЛИК

Жиззах шаҳрида Наврўз байрами олдидан
бошланган ободонлаштириш ва кўзалмазор-
лаштириш ишлари қаллага кирди.
Ҳозир ҳар шабаба кuni шаҳарда умумхалқ
ҳўшари ўтказилмоқда. Ободонлаштириш
ишларида жисзахликлар фаол иштирок этиб,
маҳалларни саришта қилиш, суғориш шох-
обчаларини тозалаш, йўл четларидаги да-
рахларни буташ ишлари билан шуғулан-
моқдалар.

ЖАМҒАРМА РАЁСАТИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика
бошқаруви раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.
Уни жамғарма раиси Шукур Темуров бошқарди.
Мажлиса Президент Ислам Каримовнинг республи-
ка Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Ўзбекистон-
нинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асо-
сий тамойиллари тўғрисидаги маърузаси ҳамда Олий Маж-
лисининг мамлакат Президенти ваколатлари муддатини
узайтириш масаласи бўйича шу йил 26 март кuni Рефе-
рендум ўтказиш тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган
вазифалар муҳокама этилди.
Раёсат мажлисида, шунингдек, анъанавий умумхалқ
байрами — Наврўз ва Буюк ғалабанинг 50 йиллигига
тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар
қўриб чиқилди.
Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қар-
орлар қабул қилинди.
(ЎзА).

АНЖУМАН ЎЗ ИШИНИ ЯКУНЛАДИ

7 март кuni Тошкентда Германиянинг Конрад Аденауэр
номидаги жамғармаси ҳамда Орол ва Оролбўйини қутқар-
иш жамоатчилиги кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилаётган
«Атроф муҳитни сақлаш — Марказий Осиё давлатларини-
нڭ келажакдаги вазифаси» мавзудаги халқаро конферен-
ция ўз ишини яқунлади.
Тадбирда республикамиз ва қўшни республикалардан
ташриф буюрган олимлар, ёзувчилар, жамоат арбоблари
Марказий Осиё минтақаси экологиясини яхшилаш, жум-
ладан, Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини муҳокама
қилдилар. Анжуманда минтақадagi экологик вазият илмий
жиҳатдан таҳлил этилди.
Халқаро конференция якунида матбуот анжумани бўлиб
ўтди. Унда Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг мин-
тақавий вакили Вольфганг Шрайбер ҳамда Орол ва Орол-
бўйини қутқариш жамоатчилиги кўмитасининг раиси, про-
фессор Пирнат Шермухамедов журналистларни қизиқтир-
ган саволларга жавоб қайтарди.
(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржа- сида 1995 йил 7 март кuni бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хо- рижий валютада операцияларни амалга оши- риш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банки иш- тирок этди. Сотув ҳажми 12,6 миллион АҚШ долла- рини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 25,00 сўм даражасида қайд этил- ди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 8 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюта- ларнинг сўмга нисбатан қуйидаги қиймати- ни белгиледи. *):	10 Португалия эскудос 1,69 1 Сингапур доллари 17,49 1000 Туркия лираси 0,60 1 Финляндия маркеси 5,78 4 Франция франки 5,02 1 Швеция кронаси 3,46 1 Швейцария франки 21,33 1 ЭКЮ 32,76 10 Япония иенаси 2,70 1000 Россия рубли 5,52 1 Эстония кронаси 2,24 1000 Украина карбованеци 0,19 1 Латвия лати 47,08 1 Литва лити 6,25 1 Қозғистон тенгеси 0,42 1 Молдова лейи 5,68 1000 Беларусь рубли 2,14
--	---

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғи-
да Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-
ки маъмур валюталарни ушбу қийматда со-
тиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олма-
ган.
Марказий банки 1995 йил 8 мартдан бош-
лаб Ўзбекистон Республикаси маъсус пул
алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун
нақд АҚШ долларларини қуйидаги тижорат
қийматини белгилади:
— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари
— 25,00 сўм.
— Сотил қиймати: 1 АҚШ доллари —
25,00 сўм.
Хорижий валютани сотиш чоғида сўм
билан восита ҳақи олинади.

26 март — умумхалқ Референдуми куни

ХАЛҚ — ҲОКИМИЯТНИНГ БИРДАН-БИР МАНБАИДИР

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида республика Президентини ваколатини 1997 йилдан 2000 йилга қадар узайтириш ҳақида умумхалқ Референдуми ўтказишга қарор қилинган эди. Мамлакатимиз фуқаролари унинг аҳамиятини тереқ аниқлаб, қизғин қўлаб-қуватлашмоқда. Шу кунларда жойларда Референдумни ошойшталлик ва уюшқоқлик билан ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўриляпти.

Мухбиримиз ушбу қарорнинг юзасига келиш сабаблари, унинг мазмун-моҳияти ҳамда ўтказишга Референдумнинг мамлакатимиз ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида гапириб беришни сўраб, юридик фанлари доктори, профессор Ашиер АЗИЗХУЖАЕВА мурожаат қилди.

— Алишер Аббосович, суҳбатимиз аввало Сиз 26 мартда ўтказилган умумхалқ Референдуми арасида унинг моҳияти, тушунишни тўғрисида қисқача изоҳ бериб ўтсангиз.

— Референдум бирор бир муҳим иқтисодий-сиёсий масалани умумхалқ овозига қўйиш деган маънони англатиши. Давлат ва жамият ҳаётидаги энг долзарб масалаларнинг аниқ шундай йўл билан ҳал қилиниши мамлакатда ривожланишнинг қай даражада ривожланганини асос эйтиради. Чунки демократия логикаси шундай бўлиб, «Халқ ҳокимияти» деган маънони англатиши. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 7-моддасида: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» дейилган. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда ҳокимият халқники эканлиги Асосий Қонунида белгилаб қўйилган. Халқ ўз қўлидаги ҳокимиятини икки усул билан: бевосита ва вакиллик демократияси орқали амалга оширади. Вакиллик демократияси деганда халқ ўз қўлидаги ҳокимиятини ўзининг сайлаб қўйган депутатлари ва Президент томонидан амалга ошириши тушунилади. Бевосита демократия дейилганда эса халқ ўз ҳокимиятини ҳеч қандай вакиллари билан бевосита ўзи амалга ошириши тушунилади. Бунга фуқароларнинг сайловлари ва қонун лойиҳаларининг муҳокамаида иштирок этиши, референдум ва ҳақозорларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Референдум энг ҳокимиятчиликнинг энг юқори омили, мамлакатнинг қай даражада демократиялашганининг асосий мезони бўлиб хизмат қилади, деб айтасиз муболага бўлмайми.

қонунни қабул қилиш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш охири-оқибатда давлат органлари томонидан ҳал қилинади. Референдум эса халқнинг ўз қўлидаги ҳокимиятини бевосита амалга оширишининг олий усулидир. Бундай пайтларда давлат ва жамият ҳаётидаги энг долзарб, муҳим масалаларни ҳал этишда халқнинг ўзи асосий омили бўлиб хизмат қилади ва унинг натижалари давлат органлари учун мажбурлидир. Шунинг учун ҳам Олий Мажлисининг шу йил 26 март куни умумхалқ Референдумини ўтказиш ҳақидаги қарорини республикада демократиянинг изчиллиги билан ҳаётга таъбиқ этилаётганидан далolat беради, деб ҳулоса чиқариш мумкин.

— Назаримда, 26 март куни бўлиб ўтган умумхалқ Референдумини энг иккиламасдан тарихий зарурат, деб баҳолаш лозим. Сиз ҳуқуқшунос олим сифатида унга қандай баҳо берган бўлур эдингиз?

— Яқинда матбуотда умумхалқ Референдумини ўтказиш ҳақидаги қарор юзасидан парламентнинг изоҳлари эълон қилинди. Унда умумхалқ сўрови ўтказилишининг асосий сабаблари ва омилини изоҳлаб берилган. Мен ҳуқуқшунос олим сифатида ушбу изоҳларга қўйилганларнинг қисқача қилиб ўтиши асосий деб ўйлайман.

Конституция қабул қилингандан буён ўтган давр мобайнида Асосий Қонунининг 98-моддаси, бешинчи сўзбошичи билан республикада ўрнатилган давлат бошқаруви тизими ўртасида номуносивиблик мавжудлигини ҳаётининг ўзи кўрсатди. Хусусан, Конституциянинг 98-моддасининг 5-сўзбошичисида: «Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади», дейилган. Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлат бошқарувининг парламентар республика шаклидаги ҳуқуқат янги сайланган парламент олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. Чунки бошқарувининг бу

туридаги мамлакатларда ҳукумат парламент сайловлари натижаларига қўра тузилади. Сайловларда ютиб чиққан сиёсий партиянинг раҳбари ҳукумат бошлиғи этиб тайинланади ва ҳукумат таркибини тўзди. Бунга Германия, Ҳиндистон, Италия каби давлатлари мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бошқарувининг Президентлик республикаси туридаги ҳеч бир давлатда, ҳукуматнинг янги сайланган парламент олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисидаги қандай ўрнатилмаган. Америка Қўшма Штатлари, Мексика, Чили, Аргентина ва бошқа бир қанча Президентлик республикаси мамлакатларида ана шундай ҳолнинг кўриш мумкин. Чунки бошқарувининг бу қўришидаги давлатларда ижроия ҳокимиятига раҳбарлигини бевосита Президентнинг ўзи олиб боради. Давлат раҳбари ўз ваколатларига таъиниб, ҳукумат таркибини, бош вазир, унинг ўринбосарларини, аъзоларини тайинлайди ва уларни эғаллаб турган лавозимлари билан овоз қилади. Кейинчалик бу масалаларни парламент тасдиқ қилиши керак. Бошқарувининг Президентлик республикаси шаклида Президент томонидан тайинланган ҳукумат давлат раҳбари ваколатлари тўғрисидаги ўз ваколатларини тошпириш жаҳон конституциявий тажрибасида қайт этилган.

Мамлакатимизда республика Президентини Олий Мажлисга сайловларининг турли мундарида ўтказилишини ҳисобга олсак, келажакда юқорида кўрсатилган конституциявий тартиб айрим зиддиятлар, тушунмовчиликлар келтириб чиқариши, бу эса мавжуд барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки мазкур қонда мувофиқ ҳукумат амалда ўзи мубоайида уч мартабалик — Президент сайлови, Парламент сайлови ва яна Президент сайловидан сўнг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиб, қайтадан тузилиши лозим.

— Америка Қўшма Штатлари ва бошқа Президентлик республикаси мамлакатларида Президент билан парламент турли мундарида сайланади. Лекин ушбу мамлакатларда ҳам Президент томонидан тайинланган ҳукумат аъзоларининг парламент тасдиқидан ўтти тартиби мавжуд-ку. Сиз бунақа қандай қарайсиз?

— Саволнинг жуда уридли. Лекин гап шундаки, ушбу мамлакатларда Президент билан парламентнинг ваколатлари мундарида турлича белгиланган. Масалан, АКШ Президентини тўрт йил муддатга сайланадиган бўлса, Конгресс палаталари икки йилдан олти йил муддатгача сайланади. Ва бу ерда ҳукуматнинг Конгресс олдида ўз ваколатларини соқит қилиши масаласи кўриш мумкин. Шунинг ҳам айтиш лозимки, АКШ да ҳар икки йилда парламентнинг оралиқ сайловлари ўтказилади, яъни, Конгресс депутатлари бир вақтнинг ўзида сайланмайди. Францияда эса республика Президентининг ваколат муддати парламентга нисбатан икки йил кўпроқ. Аниқроқ қилиб айтганда бўлса, Франция парламентини беш йил, Президент эса етти йил муддатга сайланади. Шу боис ҳам парламент билан давлат бошлиғи ваколат мундарида турлича белгиланган мамлакатларда ўз-ўзидан доимий равишда сайловларни бир вақтнинг ўзида ўтказишнинг имкони йўқ. Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Испания, Италия ва бошқа бир қатор давлатларда эса ижроия ҳокимияти билан қонунчилик ҳокимиятига сайловлар бир вақтда амалга оширилади.

Бизнинг республикамизда эса Президент ва парламент ваколати мундарида бир хил, яъни беш йил қилиб белгиланган. Юқорида тилга олинган давлат органлари ўртасидаги ваколатларнинг номуносивиблигини бошқача йўл билан ҳам ҳал қилиш мумкин эди. Бунинг учун Конституциянинг 98-моддасининг бешинчи сўзбошичиси белгиланган қонунни чиқариб ташлаш лозим бўларди. Бироқ бу ҳол, Олий Мажлис нфузузининг анча пасайиб кетишига сабаб бўларди.

Биз амалдаги Конституцияни қабул қилганимизда жаҳонда тан олинган ҳокимият тақсимланлиши таъминотида асосан давлат марказий органларини тузиш чўққанимиз ва уларнинг ваколатлари тақсимланган. Бу таъминотида, қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятлари ўз ваколатларини мустақил равишда амалга оширишлари зарур. Бироқ шу билан бир қаторда, улар бир-бирларининг фаолиятлари Конституцияга зид келмаслигини ҳам назорат қилиб туришлари шартдир. Ҳукуматнинг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисида конституциявий тартибнинг жорий қилинганлиги республикамизда Олий Мажлисга, яъни, қонунчилик ҳокимиятининг ижро ҳокимиятига устидан назорат ўрнатишга катта ваколат беради. Бу эса мамлакатимизда демократия ва ҳуқуқий давлатчилик шаклланишнинг далolat беради.

— Демак, Сизнинг фикрингизча, умумхалқ Референдуми ҳақидаги қарорнинг қабул қилиниши қайсидаир маънода, Олий

Мажлис нфузузининг ошимига асос бўлар экан-да?

— Албатта. Асосий Қонунига қабул қилингандан буён ўтган даврга бир назар ташласак, Ўзбекистонда амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар шунинг қўрида, ижроия ҳокимиятининг вакили бўлиши Президентининг ташаббуси билан Олий Мажлисининг ҳуқуқий мақомини қучайтиришга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Масалан, Конституцияда давлат янги парламент депутатлари 150 киши, деб белгиланган эди. Кейинчалик Президентнинг ташаббуси билан уларнинг сони 250 нафарга кўпайтирилди. Шунингдек, Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги Қонун ҳам Президентнинг ташаббуси самараси сифатида юзасига келиди. Янги парламентга сайловлар демократия ва қўриқчиликнинг асосида бўлиб ўтди. Олий Мажлисининг биринчи сессиясида блок ҳамда партиялар фракцияларини ташкил қилиш, уларнинг фаолиятларини қучайтириш тўғрисидаги тақдирлар ҳам давлат бошлиғи томонидан ўртага ташланган эди. Булардан шундай ҳулоса чиқариш мумкинки, мамлакатимиз ижроия ҳокимиятининг раҳбари қонунчилик ҳокимиятини тақомиллаштириш, унинг ҳуқуқий нфузузини оширишда асосий ташаббускор бўлди. Бундай тажриба жаҳон давлатчилиги қўриқчилик асосидаги давлатларда камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Амалда турли ҳокимият вакиллари кўпчино бошқарув эвазига ўз ваколатларини кенгайтиришга ҳаракат қилдилар. Фикримизнинг далили сифатида қўйилганлиги мисол сифатида кўрсатишимиз мумкин. Францияда 1958 йили қабул қилинган Конституция генерал де Голль Конституцияси деб ҳам аталади. Чунки мазкур қонун ҳужжатининг ўша йилда амалда жорий этилиши ҳам, унга 1961 йили ўзгартиришлар киритиш ҳам мамлакатнинг айнан ана шу раҳбари ташаббускор бўлган. Ва ижроия ҳокимиятининг ваколатлари қучайтирилган эди.

Масалан, Россияда ҳозирги кунгача парламент ҳам, президент ҳам ўз ваколатларини қучайтиришга интилаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бундай ҳолат эса ўтказилиши керак бўлган ислохотларнинг самарасига, жамиятда қонунчилик, ҳуқуқий тартиб ўрнатишга ва умуман, мамлакат ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бизнинг Конституцияда барча давлат органларининг ваколатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилганлиги ва ҳар бир давлат органлари ўз ваколатлари доирасида фаолият кўрсатаётганли-

ги сиёсий, иқтисодий, маънавий ислохотларни ижобий амалга ошириш гарови бўлиб хизмат қилапти.

— Чет эллардаги айрим муҳолифларимиз Олий Мажлисининг Президент ваколатини узайтириш учун умумхалқ Референдуми ўтказиш ҳақидаги қарорини демократияга зид, Конституциянинг сувиетсизмол қилиниши, деб баҳолашмоқда. Сиз уларнинг бу гапларига қандай муносабат билдиришсиз?

— Бундай фикрлар билан чиққан кимсалар ўзларининг ҳуқуқий томондан чаласавод эканликларини яна бир бор намойиш қилишмоқда. Ахир, мазкур қарорда Президент ёки бошқа давлат органларига янги бир қўшимча имтиёзлар, ваколатлар берилмаётгани йўқ-ку. Бу ерда гап фақат амалиёт ва Конституциявий нормаларни бир-бирига мувофиқлаштириш ҳақидагина кетаяпти. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтишни истардимки, ушбу тадбир Конституцияимиз барқарорлигини таъминлаш нўқтани назардан амалга ошириляпти. Умумхалқ Референдуми ўтказиш тўғрисидаги қарор республикамизда демократиянинг ривожланишга яна бир мисолдир. Вақоланки, Олий Мажлис мамлакат Конституциясининг 78-моддасида белгилаб қўйилган ваколатига таъиниб, ушбу мамлакат референдуми ўтказилмасдан туриб, ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига ҳам эга эди. Бундан ташқари, республикамизда ўтказилган ислохотларга халқимизнинг муносабатини яна бир бор аниқлаб олишда ҳам ўтказилажак референдумнинг аҳамияти беқиссидир.

Хориждан туриб, бизга ивобуҳтон тошларини отётган кимсалар, гарчи халқ ваколат бермаган бўлса-да, ўзларининг «халқ намояндалари» деб ҳисоблашади. Қизиғи, улар ҳар қандай масалага халқ манфаатларидан келиб чиқиб эмас, балки ўзларининг гаврали шахсий манфаатлари нўқтани назардан ёндошилади. Баъзида улар, ўзбек халқи гарчи демократияга тайёр, мамлакат раҳбарияти эса уларнинг ҳуқуқларини чекилатиши, деган асосда гапларини дастак қилиб олишиб, авоаннос солишадди. Бу билан улар ўзларининг халқни тинчлик, ошойшталликка қарши ноқонуний ҳатти-ҳаракатларга даъват қилишадди. Олий Мажлис халққа ишониб, Референдум ўтказиш тақдирини илгари сурса, улар «халққа бўлган эътиқодимиз»ни бир чеккага суриб қўйиб, ўзбек халқи бундай сиёсий тадбирга ҳали тайёр эмас, деб унга қарши чиқадди. Бундай туркизи ҳатти-ҳаракатлар замирида ҳам уларнинг гаврали манфаатлари ўтганлигини аниқлаб олиш қийин эмас. Хориждаги бақирок «демократларимиз»нинг гап-сўзлари, ҳолатига ана шу мақол мисол тўшадди.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

«Халқ сўзи» мухбири Фафур ШЕРМУҲАММАД суҳбатлашди.



ТИЛ ТОПИШОЛМАЯПТИ

Покистоннинг йирик шаоар ва савдо маркази бўлган Карачи шҳрида фавуқда ҳолат эълон қилинди.

Ушбу чора шаҳарда сунний ва шия мазҳабиди жангарилар тузилмалари ўртасида қуролли туқнашувлар юз бергани сабабли қўрилган. Туқнашууда 30 дан ортиқ киши ҳалок бўлган ва 50 нафарга яқин киши жароҳатланган.

ҲУДУДИЙ БАҲСЛАР БАРҲАМ ТОПДИ

Саудия Арабистони ва Яман давлатлари ўртасида беш ҳафтадан буён давом этиб келаятган ҳудудий баҳслар ниҳоят, тинч музокара йўли билан ҳал қилинди.

27 февраль куни икки мамлакат раҳбарлари «ўзаро бир-бирини тушуниш аҳдномаси»ни имзоладилар. Ушбу аҳднома икки томоннинг ҳам 1934 йилда Тоиф шҳрида имзоланган битимга қатъий амал қилишини қўзда тутди.

САФАР НИҲОЯСИДА

Польша ва Чили давлатлари иқтисодий ҳамкорлини кенгайтириш учун барча имкониятларни ишга солиши керак, деди ушбу мамлакат Президентини Лех Валенса Жаңубий Америка сафарини ниҳоясига етказар экан.

У сафари давомида Бразилия, Аргентина, Уругвай ва Чили давлатларида бўлиб, ушбу мамлакатлар билан Польша ўртасида савдо-сотқини янада кенгайтириш ҳақида музокара олаб банди.

ҚўШИНЛАР ЖАНГОВОР ҲОЛАТДА

Ангола қуроли кулари бош штаби мамлакатда муҳолиф куч ҳисобланган Ушта ташкилотни ўзаро тинчлик шартномасига эл ривидида уруғга тайёргарлик кўраётганлиқда айблади.

Шу сабабли ҳукумат қўшинлари жангвор ҳолатга келтирилди.

БАНК ИНҚИРОЗИ

Буюк Британиядаги 233 йил муқаддам ташкил этилган энг «кекса» «Борингс» банки қутилмаганда молиявий инқирозга юз тутди.

Ушбу банкнинг Сингапур бўлими амалга оширган молиявий операция 700 миллион доллар зарар келтирди.

АЁЛЛАРНИНГ ЧЕКИШИ ТИББИЁТЧИЛАРНИ ТАШВИШЛАНТИРАЯПТИ

Австрия соғлиқни сақлаш ва спорт вазири Кристи Крамернинг ҳукуматга тақдим этган янги қонун лойиҳаси мамлакатдаги кашандаларни анча ташвишга солиб қўйди.

Сабаби, қонун лойиҳасида ташкилот ва корхоналарда чекишни таққиллаш ҳамда тамақини тарғиб қилувчи рекламаларни чеклаш талаб қилинади. Статистика маълумотларига қўра, Австрия аҳолисининг 27,5 фоизи доимий кашандалар. Уларнинг 35,5 фоизини эркеклар, 20,3 фоизини эса аёллар ташкил қилади. Аёллар ўртасида чекишнинг оммавий тус олаётгани тиббиёт ходимларини жиддий ташвишга солмоқда.

400 ДАН ЗИЁД САНЪАТКОР ТАҚЛИФ ЭТИЛГАН

Жанубий Африка Республикаси пойтахти Йоханнесбургда дунёдаги энг катта тасвирчи ва амалий санъат кўргазмаси очилди.

Унда 50 та мамлакатдан келган 400 нафардан ортиқ чет эл ва маҳаллий рассомлар, ҳайкалча-рошлар, киночилар, бастакорлар ҳамда бошқа ижод вакиллари қатнашишди. Мазкур кўргазмали фестивал апрелнинг охиригача давом этади.

ДАЪВОГАРЛАР ЙЎҚ

Мексиканин машҳур «Телевиса» телевидион концерни «Бойлар ҳам йўғлайди» телесериалини янги мазмунда давом эттириш ниҳтида.

Маълум бўлишича, режиссёр Валентин Пимштейн лойиҳалаштираётган янги фильмнинг номин ҳозирча «Даниэл ва Даниэлла»дир. 15 йил олдин суратга туширилган «Бойлар ҳам йўғлайди» телесериали жаҳоннинг 50 та яқин мамлакатлари ойнаи жаҳони орқали намойиш этилган эди. Телеконцернинг мақсади, бир вақтлар эришилган ана шу шўҳратни тиклашдир. Лекин Марианна ва Луис Алберто роллларини ижро этган Вероника Кастро ва Рохелио Герранинг буш қолган урнига ҳали даъвогар чиққани йўқ.

ЧЕЧЕНИСТОНГА ДОРИ-ДАРМОНЛАР КЕЛТИРИЛДИ


Россия Соғлиқни сақлаш вазириги Ҳиндистондан қарий 4 миллион АКШ доллари миқдорда дори-дармонлар ва тиббий жиҳозлар сотиб олди.

Чеченистонда тарқалган юқумли касалликларнинг олдини олиш учун 9 тоннадан ортиқ ушбу юк Моздок шҳрига келтирилган.

Фашизм устидан қозонилган Ғалабанин 50 йиллиғига

Фашизмга қарши курашининг сўнги босқичи — Берлинни штурм қилишда ашаддий ғитерчлар уч кураш шаҳарга биринчи бўлиб ёриб кирган танк ўзбек ўғлини самарқандлик Мамат Уруновники эди. Аниқ маълумотларга қўра, бу 1945 йилнинг 23 апрелида содир бўлди. Шу куни 1-Украина фронтининг 71-механизацияланган бригадасига 1-Белоруссия фронтининг Бонсдорфбаи олдинги чиқиқ келмелари билан қўшилган вазифаси тошпирилди. Келинсува мувофиқ 1-Украина фронтининг ол қизиқ бригадаси жангвор ҳаракатининг бошланишидан оврак берувчи учта ишла ракета отиши, жавоб олинган, тошпириқнинг бажарилишига киришилши керак эди. Бироқ Беларуссия фронтини жангчилари томонидан «сигнал»га жавоб бўлмади. Вазиятга аниқлаб киришилши учун разведкачи танк юборишга тўғри келди. Бу ҳаротимисиз кичик лейтенант М. Урунов командирлик қилаётган танк зиммасига юканишди.

нинг механик ҳайдовчиси эдим. Мамат — командир. Биз бир-биримиз билан ака-укадек эдик. Душман туларни нишонига чап берар эканмиз, командир мента



Шу келарда икки ўғлини фронтга жўнатган самарқандлик она Робия Урунованин қувонч чексиз эди. У Информбюронинг кундалик ахборотини сабрсизлик билан кутар, айниқса, 1-Украина фронтини жангчилари олиб бораётган жанглар ҳақидаги хабарларга бутун вужуди билан қулқ тутарди. Чунки Она катта ўғлининг айнан шу йўналишдаги жангларда қатнашаётганидан хабардор эди. Оралдан кўп ўтмай Берлинга ғалаба байроғи тикилгани ҳақидаги хабар миллионлаб кишилар қатори Робия янги ҳам беҳад қувонтирди. Уғилларини йўғлаб-йўғлаб бағрига босиб онлари жуда яқин қолганини ҳис қилган Онанинг юраги ҳанқириб, кўкрак қафасига сиймаи боради. Лянага туруш доимдан омон-эсон қайтиб келган кичик ўғли Солини бағрига қочқ, қулқоқларига сингиб-сингмаган Ғалабанин янги ҳақиқат қанбагани ишонди. Тўйиб-тўйиб йўғлаб, бошқа оналарга ҳам дилдан шундай дилдорни, саодатни тилади. Бироқ шашқатор оқабтан бу кўз ёшлар Робия ая учун сунгитиси бўлмади. Катта ўғли Мамат жанг қилган полкнинг командирини М. Рубинов номидан Уруновлар онасига хат келди.

БЕРЛИН ОСТОНАСИДАГИ БИРИНЧИ ТАНК

ёки ўғлини фронтга кузатган муштипар Она ҳақида

«Сизнинг акаингиз командирлик қилган танк душман қуршовига тушиб, ёниб кетди. Экинч жазоари кўл жангига киришди. Кучлар тенг бўлмаган жанг кескин ва узоқ давом этди, душман автоматчиларининг ҳужумлари қақшақтиқ зарбаларга учради. Фашистлар бу зарбаларга дош беролмай, 12 кишинини йўқотиб, чекинишди. Бу жангга

мади. Йўқ, унинг дилбанди ҳалок бўлган эмас. У бир куни остонадан «Онажон» ден отилиб киради. Бағри нурга, зинга тўлади. Ушбу саодатли кунларга аталган соғинч ёшлари қанбининг қат-қатиди селлай яшириниб ётибди. У шу бахтли кунларни, албатта, қўражақ.

Она 23 йил ана шу энг умид билан остонага кўз тикди, юраги қинга сиймаи кетган оналар ташқарига чиқиб, йўғларга қаради. Кўнга чапинган ҳар бир шарна кечатиға фронтга жўнаб кетган дилбанди, Маматин бўлиб қўришди. Ана шундай кунларнинг бирини... унинг Маматин исмини ўзгартириб, Николай бўлиб қайтиб келди.

— Уша куни 1945 йилнинг 23 апрели эди. Чамамда, соат 21 дан 20 даққа ўтганда махусе тошпириқ олган бизнинг танк анча ичкарилаб борди, — деди Николай. — Душман тўпчилари бизни ўққа туттиди. Мен танк-



«Фаргона-3» пахта навининг муаллифи, қишлоқ хўжалиқ фанлари номдои Кенжабой Махмадалиевни республикамиздаги эмас қўшни Тажикистон, Туркменистон ва Қирғизистонда ҳам яхши билишди. У яратган «Фаргона 2, 3, 4, 5» навалари ўзининг серхосиллиги, толасининг пишқилиги, оилта чидамлиги ва эртапишарис билан пахтакорларга маъқуб бўлган.

ЯНГИ ДАРС ЖОРИЙ ЭТИЛДИ
Бухоро давлат университети профессор ва ўқитучилари, талабаларининг умумий йўғлишида Президент Ислом Қаримовнинг республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.
Йўғлишида Президент маърузасини кенг ва чуқур ўрганш мақсадида олий ўқув юртининг барча қурслари талабалари учун махусе олти соатлик дарслар жорий этишга қарор қилинди.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

АЁЛ БИЛАН МУНАВВАР ОЛАМ

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ СОҒЛОМ АВЛОДЛАРГА БОҒЛИҚ, СОҒЛОМ АВЛОДНИ ЭСА СОҒЛОМ ОНАЛАР ЯРАТАДИ

Болаликда шундай ривоят эшитгандим. Бир мўмин-мусулмон фарзанд сифатида волида-мукаррамасининг ҳақини адо қилмоқчи бўлибди. У фалаж бўлиб ётган онасини қирқ кечасо-қирқ кундоғ оқасида кўтариб юрибди. Шунда у ўзича энди онанинг менга қилган хизматлари ҳақини адо қилдим, деб ўйлабди. Кўнглида яна иштибоҳ ўйғониб, сўраганида, унга: «Эй, болам онанинг фарзандга хизмати ҳақини адо қилиб бўларканми. Сен ҳали онанинг сенга қилган бир кечалик хизмати ҳам адо қилмабсан», деб жавоб берган эканлар.

Бу бир ривоят. Уни ҳар ким ҳар хил айтиб юради, лекин мантқиқ битта: Она буюк ҳамда мукаррам зотдир.

Нозил қилинган муқаддас диний китоб ҳамда Ҳадиси Шарифда ҳам аёллар, оналар ҳақида ибратли гаплар айтилган. Уларнинг бирида: «Авалл онанинг, яна онанинг, яна онанинг, сўнг отанингизга яхшилик қилинг», дейилади.

Аёл! У энг аввало Она демакдир. Она тириклик, инсоният ибидоси сифатида ҳар қандай давр, давлат ва жамиятда мукаррам саналган, унга чекиз иззат-иқром кўрсатишган. Бироқ, тарих гилдираги ҳамма жойда ҳам текис айланмаганидек, инсоният унинг қадри топталган, орномуси оёқ ости қилинган давларни ҳам бошидан кечирди. У афсуски, кўп узоқ эмас, шундоқ кў ўнгимизда ҳам содир бўлди.

Аёлга, онага ҳурмат-эҳтиром ҳеч қандай давр ёки жойда шарқдагилик шаклланимаган. Лекин мустамлакачилик даврида бизнинг ана шундай қадриятларимиздан айирмоқчи бўлишди. Улар «Эркактар билан елкама-елка», «енг шимариди» шаклида, тоғу-тош, дала-дешта «меҳнат» қилишди. Буни яна чиройли сўзлар билан «тенгқўққилик» деб аташди.

Аёлнинг жамиятдаги асл вазибаси буткул унутилди, унга нисбатан шарқона муносабат ҳамда ҳурмат-эҳтиром поймол қилинди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, эътибор дастлаб ана шу масалага қаратилди: Конституция ва қонунлар воситасида унинг чин маънодаги ҳуқуқлари асос яратилди. Хотин-қизлар аста-секин жамиятда ўз ўрни, маънавиятга эга бўлмоқда. Республикада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ичида биринчилардан бўлиб «Соғлом авлод учун» орденининг тасвиси этилиши ва шу номда махсус жамғарма

ташқил этилганлиги фикримизнинг далилидир. Мамлакатимиз келажакда, тараққиёти энг аввало авлодларга, авлод бўлганда ҳам соғлом авлодларга боғлиқ. Соғлом авлодни эса соғлом оналар бунёд этади. Ўзбекистоннинг хотин-қизлар масаласида тутаётган сисатини мустахкам қилиб, ана шундай, деб аташ мумкин.

Рақамларнинг гувоҳлик беришича мамлакатимизда айни пайтда икки ярим миллиондан зиёд оила мавжуд экан. Уларнинг сони ҳар йили ўртача 250 мингга кўпайишти. Ўзбекистон тугилиш ва аҳоли сонининг кўпайиши жиҳатидан жаҳонда энг юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Шу боис мамлакатимизда, айниқса, кейинги пайтда оила, оналик ва болалик ҳуқуқини муҳофаза қилиш, уларнинг соғлигини тиклаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш борасида жуда катта ишлар қилинди. Бироқ, бундан барча ишлар рисоладагидек, экан-да деган хулоса чиқармаслик керак. Мадомки, ҳаммамизнинг мақсадимиз Ўзбекистонни келажакда буюк давлатга айлантириш экан, у сизу биздан ҳали бу борда жуда кўп сазй-ҳаракат қилишимиз, янги чора ва тадбирлар мажмуасини яратишимизни тақозо қилади. Биз энг аввало жамиятнинг оила ва аёлларга муносабатида том маънодаги шарқона тамойилларни тиклашимиз, уни янги давр талаб ва истаклари асосида қайтадан шакллантиришимиз лозим. Юртбошимиз ўзининг қатор рисола ва маърузаларида бу борда бизнинг келажакдаги фаолиятимизга дастуруламал бўлиб хизмат қилганлик фикр-мулоҳазаси ва таклифларини билдирган.

Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг бошқаришда аёллар иштироки салмоқли ўринини тақозо қилади. Биз энг аввало жамиятнинг оила ва аёлларга муносабатида том маънодаги шарқона тамойилларни тиклашимиз, уни янги давр талаб ва истаклари асосида қайтадан шакллантиришимиз лозим. Юртбошимиз ўзининг қатор рисола ва маърузаларида бу борда бизнинг келажакдаги фаолиятимизга дастуруламал бўлиб хизмат қилганлик фикр-мулоҳазаси ва таклифларини билдирган.

Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг бошқаришда аёллар иштироки салмоқли ўринини тақозо қилади. Биз энг аввало жамиятнинг оила ва аёлларга муносабатида том маънодаги шарқона тамойилларни тиклашимиз, уни янги давр талаб ва истаклари асосида қайтадан шакллантиришимиз лозим. Юртбошимиз ўзининг қатор рисола ва маърузаларида бу борда бизнинг келажакдаги фаолиятимизга дастуруламал бўлиб хизмат қилганлик фикр-мулоҳазаси ва таклифларини билдирган.

ташқил этади. Аёллар шаҳар ва туманларга ҳокимлик вазибасини ало этмоқда, ташқилот, корхона ва муассасаларнинг турли бўғинларида сермахсул фаолият кўрсатапти. Масалан, Самарқанд тумани ҳокими Раҳима Ҳақимова ва Косонсой тумани ҳокими Тоҳирхон Маризаевлар амалга ошираётган ишлар эътиборга лойиқдир. Аёлларимиз ишлаб чиқариш ва мамлакат саноатининг равнақ топишида ҳам салмоқли улуш кўшмоқда. Улардан ибрат оلسа аригулик тадбиркорлар, фермерлар, хўжалик бошлиқлари етишиб чиқмоқда. Республика Олий Мажлисида 15 нафар хотин-қиз депутат қилиб сайланди. Аёллар бундан ташқари бошланган катта ишлар ва ислохотларнинг маълум маънодаги илҳомчиси ҳамдирлар.

Кўни кеча мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш мақсадида яна бир катта қадам қўйилди. Ушбу масала юзасидан республика Президенти махсус фармон қабул қилди. Унда таъкидланганидек, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт медалларини ҳал қилишга хотин-қизларни келат ва жамиятнинг бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш ва оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этилганлигини кучайтириш, шунингдек, вазирилар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва жамоат ташқилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ана шундай чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Буни республика хотин-қизлар ҳаётидаги муҳим воқеа сифатида баҳоламоқ керак.

Аёллар юқорида таъкидланганидек, энг аввало онадирлар. Жамиятнинг келажак ва эртаси бўлган авлодларни яратадиган буюк ва мукаррам зотдирлар. Бугун 8 март — уларга аталган кун. Сўзимизни шу ерда муҳтасар қилиб, уларнинг ҳаммаолини соғлиқ-омонлиги ва хуш кайфияти тилаб қоламиз.

Исмаил ХУДОЕВОВ,
«Халқ сўзи» парламент ва ҳокимликлар бўлимининг муҳаррири.



• Тугилмаган гаплар

ҚУЁШ ОЙДАН ҚЎРҚИБ ЭРИБ КЕТДИ-КУ!

Кундалик дафтарларимга битилган энг илиқ сатрлар қизчаларим билан қилган жажжи савол-жавобларимдир. Мен келгусида қилинажак узун суҳбатларимиз ҳам ана шундай мароқли ва ширин бўлишини истардим.

— Қара, аям-ку!
— Йўқ, аяммас — аямга қулинг десам куларди, бу кулмайпти-ку!

— Ая, ой қўрқоқми, қуёшми?
— Билмадим.
— Менимча, қуёш қўрқоқ.
— Нега энди?
— Қуёш ойдан қўрқиб эриб кетди-ку!

— Ая, қаранг, чумчуқлар даракларининг қорларини қоқшаппти.

— Аяжон, мендайлигинизда кийган қўйлаклариниз хозир қаред?
— Нимаиди?
— Киймоқчидим...

— Забаржад, газга чой қўйверган.
— Қўйиб қўйдим, аяжон.

— Йўқ, ая, алдапти — ишонманг! Газга чой қўймади — сув қўйдим.

— Моҳинур, аянга кир ювишга ёрдам бердингми?
— Ёрдам бердим.
— Вой, ёлғончи! Нимани ювдинг?
— Бетимни ювдим-ку!

— Забаржад, сенингча қанақа одамни соғлом деса бўлади?

— Енгил-енгил юрадиган, озгина иш қилиб «чарчадим» демайдиган, кучаниб тапирмайдиган одам — соғлом.

— Ая, оналар болаларини тушларида ҳам ёмонликлардан кутқариб қоларкан-а?
— Сен бунга қасқандан билдинг?
— Ёмон туш кўраётганимда ҳар доим энг қўрқинчли жойига келганда сиз мени уйғотиб оласиз-ку! Хушук туш кўраётганимни қандай биласиз, аяжон?
Замира ЭҒАМБЕРДИЕВА.

Фашизмга қарши урушнинг бепойён сарҳадларида ўзбек фарзандларининг пойи қадами етмаган жой қолмади. Улар орасида қўлида ўтқи қалами, юрагида қўшиқ, дутори, сози, орзуси билан жанг қилган аёллар, қизлар анчагина эди. Улар ана шу оғир давларнинг гами, изтиробларини мардонвор енгдилар. Ичимлардек мишбарлардан оташин сўзлар айтадилар, шеърлар ўқийдилар, ўқ тегиб йиқилган аскарни нозик елкаларига ортмоқлаб жанг майдонларидан олиб чиқдилар. Яраларига малҳам қўйдилар.

Улар фронт ортида девқомат машиналарни бошқаришди, дастгоҳларни юргиздилар. Муҳаббат, сардоқ деган муқаддас туйғуларни дилига жойлаб оталарини, акаларини жангга йўлладилар.

Шинел кийган аёллар, барно-барчин қизлар — санъаткорларимизнинг у ҳасратли кунлар, оташ-отловли йўллар ҳақидаги ҳикоялари нақдлар ўтли, тасвирли. Умр сабоқлари, ҳаёт донишмандлиги билан сугорилган бу ҳикояларда бизнинг тарихимиз, шонли йўлимизга эмас. Ўзбек оналари, қизларининг жасорати, меҳрларга лиммо-лим юрати, вафдорлиги ҳам акс этиб туради... Уларнинг жанг дафтарларини кўп варақлаганман, уларнинг уруш ҳақидаги ҳикояларини кўп тинглаганман, ёл қолганман, ўйга толганман... Уруш кўрмган ёшлар, жангтоҳларнинг сўқмоқларидан ўтмаган барчин қизлар оналари, бувиларининг ҳаёт йўлларини бир титиб қўйишларини, бурч, Ватанин ардоқлаш, дўстнинг эҳтиёт қилиш не эканини, ҳаёт дорилфунуни ҳикматларга тўлуқ эканини билдиб қўйишларини истайман. Шу истак ўтган йўлларга назар ташлаганга, жангчи онапаримизнинг ҳикояларини ҳаёлан янгилашга даяват этади.

Москва бусагаларида биринчи уриб туширилган, фашист самолётлари ёнаётган вақтда ўзбек қизи Халима Носирова фронт бўйлаб қўшиқлари билан кездарди. У галаба байроғи тикилган қишлоқ ва шаҳарлардан, ўқлар сели ёғиб турган оловли йўллардан қўшин билан ўтди.

Мени куттиш... ва мен қайтармен
Фақат куттиш жуда илтироз.

У қамал қилинган шаҳарлардан, овоз қилинган қишлоқлардан аёллар қийимига ўралиб шармисорларча қочиб бораётган душманин лаянлатди, етим қолгай гўдакларини юпатади. У Ўзбекистонимизнинг, ўзбек халқининг саломини, маддали сўзларини, галабага бўлган қомил ишончини фронт бўйлаб жангчиларга қўшиқлар сўзи билан етказди. У жангчилар қаторида ертўлаларда жон сақлади, қаҳрамон қишларда ҳам қўшинини қўймади. У турли тилларда қўшиқ қўйлади. Бирорқилар туйғулар билан сугорилган қўшиқларини гоҳо йиғлаб, гоҳо қулиб айтарди.

Фронтда санъаткоринга эмас, агитаторлик вазибасини ҳам ўтardi. Халима опа уруш йиллари ҳақида шундай ҳикоя қилди.

— Вагонларда 16-17 соатлаб тик туриб кетардик, йўллар олис, хатарли эди. Бомбордимонлар остиди

қолардик... У жангчилар даврасида санъаткор бўлибгина эмас, балки оиледа фронт орқасида жангга кетган эрининг ишини давом эттираётган, висолга, галабага муштоқ аёллар номидан сўзларди, уларнинг мактубини куйга солиб айтарди.

Агар қолларимни соғинган бўлсанг,

ШИНЕЛ КИЙГАН БАРЧИНЛАР

Мардона қўлида ўйнасин қилч,
Лаҳли лабларининг хумори тутса,
Майдонда зафарнинг шаробини ич.

Халима опа қаҳратон қиш кунларида фронт бўйлаб қийиб юрган қорқул палтосини ҳамон қийматбахо ёлғордай ардоқлаб сақлайди. Ҳа, яхши ва ёмон кунларнинг ҳам ёлғори бўлади ҳамини.

1945 йилнинг 9 майда санъаткор Бокуда эди. Галаба кунини у бир гуруҳ санъаткорлар билан ўша ерда кутиб олди. Галаба нашидаси... Қўшиқлар яна тилга кирди... Утган кунлар хотираси, қўрқув ва дахшатлар, гурур ва ифтихорлар билан ҳамини янгилашиб туради. Уларни унутиб бўлмайди сира.

Саккиз ойлик қизаголинни уйда қолдириб, фронтга кўнгилдилар қаторида кетган санъаткоримиз ўша талотўли кунлар ҳикоясини гоҳ йиғлаб, гоҳ хўреиниб, энтиқиб сўзлайдилар. У жангчиларнинг ҳўлида ўзининг ўқлар тегиб ўтган, уруш дўдида сарғайган сурати қўлдан-қўлга ўтиб юрганни кўрди.

Қўшинлар орасида ўзбек қизи, зенитчи Азизахон Қаландарова ҳам бор эдилар. У кўнгилдилар қаторида 6 ойлик зенитчилар курсини битириб, Украина фронтга жўнади. 1943 йилнинг 7 июлида Азизахон ўз тўпидан душманининг учта бомбордончи самолётини уриб тушди. Артилериячиларимиз уриб туширган самолётнинг биринчисини ўзбекистонлик Азизахон Қаландарова нишонга олган эди...

Ўзбекистон Давлат филармониясининг дуторчи, ўйинчи, ашуулачилардан иборат қирқ қизлар дастаси ҳам жангларда, жангтоҳларда 1 йилу 6 ой давомда 1200 га яқин концерт қўйдилар. Ансамблга Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Раҳимова раҳбарлик қилди. Гавҳар опа раҳбарлигидаги қизлар ансамблининг уруш йилларидаги хизматларини тўшуниб оломоқ учун твардийчи капитан Болдровнинг биргина хати кифоа деб ўйлайми. «Халқларимизни қаҳрамонлик ва жасурлик ҳислари билан тўнқиллаштиришга қодир бўлган санъатининг баҳодир қизларидир. Сиз нозик-ниҳол, юрғи оташга тўлиб баҳодир қўлашсиз. Сизларни тарбия қилган ўзбек халқинга, оналарингизга минг бор раҳмат».

Гавҳар Раҳимованинг даст даярли ҳамма фронтларда хизмат қилди. Берлин остоналаригача қў-

қайтди. Уруш тамом бўлгунча Бешёғочдаги гостиги-тада ҳамширалик қилди. Аскар ярадорларни парвартиш қилди, оғир, жароҳлиқ операцияларида қатнашди. Инсон боласига омонлик, юртимизга тинчлик тилади. Урушдан сўнгги йилларда ҳам у одамлар орасида бўлди, меҳнат фаолиятини давом эттирди.

«Халқимиз бир денгиз бўлса, биз унинг бир томчиси, заррасимиз, — дегандилар суҳбатларимизнинг бирида Ўғил ойи. — Шу зарралардан йиғилган куч галабага бир дала, бир кичик қудрат бўлиб қўшилди. Мен ана шу зарралар орасида бор бўлганим билан фахрланаман. Утган кунлар ёли билан шайшаман. Қўлимда шифо топганларга умр тилайман, шохид бўлганларнинг азиз хотиралари олдида бош эгаман. Юртимиз энди уруш кўрма-

син, деб дуога қўл очаман». Бундай олиб қараганда мураббийлар учун фронтда ҳеч қандай иш йўқдай. Лекин юрагиди қайноқ қони уриб турган ҳар инсон ўша кезларда ўз ўрнини фронтда деб биларди. Ўғил ойи опа билан фронтга жўнаган 12 қизнинг бири мураббий Мавжуда опа Самадова эдилар. У ҳам Ўғил ойи опа ёнида туриб ярадорларга биринчи ёрдам кўрсатди. Уларни госпиталларга жойлаштириш ишига ёрдамлашди. Дугоналар ярадор аскарларни гоҳ замбилларда, гоҳ елкалаб, етаклаб олиб чиқарди. Госпиталлар етишмасди. Янги ажратилган жойларни тозалаб ярадорлар учун гоҳ тайёрлашарди. Мавжуда опа Сапунгарала яраланиб, 1944 йили орқасига қайтди. Мавжуда опа урушдан сўнг педагогик фаолиятини давом эттирди. У халқ маорифи аълочиси, қатор ордан ва медалларнинг соҳибни, эл ардоқлаган, юрт севган аёл.

«Шарқ» матбаа концерни нашриятининг ҳашаматли, кўп қаватли биноси. Босмахонага кираваришда зинапоаялардан кўтарилишни биланок рўбарўда деворга қадалган оппоқ мраммага кўзингиз тўшади. Заррин ёзувлари ўқийсиз. «Улар редакцияга қайтиб келмадилар...» Қайтиб келмаган жангчи журналистлар орасида ажойиб аёл, қалами ўткир журналист Зифо Шамсиддинова ҳам бор эди. У редакцияга ёш қизлақ чоғлариди келган экан. Одий машинистка, сўнг таржимон, сўнг қалами қайраган журналист. У айни уруш йилларида «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида ўз қурол-

дошлари билан бирга ишлади. Ватанимиз озодлиги, мустақиллиги учун олиб борилган жангларда кўтулғ қони билан мангулик чироқларини ёқди. «Қизил Армия» газетасида ташкил этилди, сўнг у фронтга кўчди, жанг майдонларида нашр этила бошлади. Сталинградда ҳаёт-мамот жангари бораётган бир пайтда рус ва украин тилларида нашр этилаётган газеталар ёнида ўзбек тилида ҳам «Қизил Армия» билан бирга газета чиқарилди. Уни олти ўғлон ва бир қиз қарқарди. Редакциянинг даярли ҳамма ходими «Қизил Ўзбекистон» ҳозирги «Ўзбекистон» овозининг қалдрон фарзандлари, шу даргоҳда унинг ўстан журналистлар эдилар.

Афсонавий қаҳрамонликлар ҳақида қиссалар, романлар яратган, жангтоҳларда жон олиб, жон берганлар жасоратини қиламга олиб, ўзи ҳам жанг майдонларида жанг қилган устоз Мирзакалон Исмомил Зифо Шамсиддинованинг баҳодирлик, жангтоҳварликларга тўла фронт ҳаёти ҳақида шундай сўзлаганди.

— Биз навбатма-навбат олдинги сафга жўнаб кетар, жангчилар орасида юриб, газетига материал уюштирардик. Зифо эса редакцияда қолар, ҳафтада икки марта чиқадиган, гоит масъулиятли катта газетанинг бутун оғир ишларини бир ўзи бажарарди. Ўша оғир давларда ҳарбий газеталарнинг нақдлар катта аҳамиятга эга эканини ҳис этиш керак.

Газетамиз билан биз журналистлар қўмондонлигининг катта ёрдамчилари эдик. Жангчиларни қаттиқ курашларга даяват этиш, уларнинг жангвор, сийёси онгини оширишга тинимай иш олиб бориш керак бўларди. Лоев харобалари орасида икки кун қолдиб кетдик. Ниҳоят, тез етиб келинг, маъмулда телеграмма олдим. О, латини уруш! Қулфат, фалокат, ҳасрат-надомат...

1943 йилнинг 16 октябр кечаси фашист самолётлари редакция вагонлари устига бомба ташлабди. Ва эндигина кучга тулган, гул ёшида бўлган Зифо Шамсиддинова, ажойиб журналист Дроздов, муҳаррир ўринбосари Жалолхон Азизов... ўн саккиз журналист ўт ичида қолди...

Халқ бўлганларнинг хотираси абадийдир. Жангтоҳларнинг кўннини жанг қўрғонлар айтади. Билар айтломмаймиз уни фаҳрийларга ўхшатиб. Ана улар... Мангу малъалларини ёқиб, қайтали, Тўғлим аялаб, биз турамиз йўлакларини бўшатиб.

Шинел кийган барчинларимизнинг пойи қадами, ўзбекиона лутфи, овози Бряск Урмонларидаги партизанлар орасида, авиация бирлашмалари, тўпчилар ҳузурига, оқопларга, госпиталларга чора бўлиб етди.

Фронт сўқмоқларидан ўтган жангларнинг ғам-андуҳларини ўз кўзи билан кўрган, хотиралар дафтарига ёниб улгуролмаган, жангтоҳларда халок бўлган журналист, ҳамшира, санъаткор қизларимиз хотираси олдида бош эгамиз.